



ZAKOVAT



INTER FUTBOL

2019-yil 24-sentabr, seshanba, 7 (1699)-son



«ПАХТАКОР», ЧЕМПИОНЛИК
МУЧАЛИ МУБОРАК!



«ГРАНАДА» - «БАРСЕЛОНА» - 2:0

ЛЕО
ҚАЙТИШИГА
«СОВФА»

gettyimages
Albr Alcalde





УЙҒОН, ТЕЗРОҚ УЙҒОН...

Футболимиз юрагида ухлаётган йўлбарслар қачон уйғонади? Азамат Абдураимовга хаёлан қуйидаги саволларни берганимда, телефон жириглади...

1. Жуда яхши тайёргарлик кўрган бўлсанглар, нима учун меҳмон - хинд ўсмирлари билан аранг дуранг уйнадинглар?
2. Тайёргарликдан кўнглингиз тўлган бўлса, жамоа нима сабабдан ўзингиз таъкидлаган стандарт вазиятдан фойдаланолмади?
3. «Дарвозабон хато қилмаганида, гол кўйиб юбормасдик» қабилида хулоса айтишдан уялмадингизми?
4. Жамоангизда нима учун ёрқин ижрочилар йўқ? Сиз изладингизу, бундай ўйинчи топилмадимми?
5. Мамлакат юзи саналган терма жамоани фақат характерга суяниб, шакллантириш мумкинми? Характергагина таянган футболнинг чегараси қаергача ўзи?
6. Қитъа чемпионатида боришни аввалдан режалаштирган мураббий кўп миллионли мухлислар асаби билан шундай ҳазиллашадими?
7. Саралашдаги ҳаёт-мамот ўйинини ўтказган экансизлар, финал босқичида қандай тўп сурасизлар? Бунақада қачон тонг отади?

Балки саволлар янада давом этади, лекин хаёлимни телефон кўнги-роғи бўлди. Махмаюсуф Бердиев экан. Ичимдаги гувранаётган тулқинни яшириб ўтирмадим. Суяги футболда қотган мутахассис-мухлис қисқа ва қатъий фикр билдирди: «Терма жамоаларимиз ўйин савиясини хорижлик ёки маҳаллий мураббийлар ўзгартиришларига кўзим етмайди. Қандайдир ютуқлар вақтин-

чалик, холос. Чунки биздаги футбол ҳаёти, аниқроғи, унинг мазмуни бирор андозага тушмайди!» Шунда суҳбатдошимга 2010 йилнинг декабрида, яъни Осиё кубоги-2011дан аввал ёзилган, футболимиз моҳиятан янги концепцияга муҳтожлиги асосланган мақолани эслатдим. Бугун футболдан сал нари юришни лозим топган мутахассис-мухлис мулоҳазаларимни маъқуллади.

Кўз олдимда яна ўзига йўл топол-

маётган ёш истеъодларнинг ёрдамдан умидвор нигоҳлари гавдаланди. Эътироф этиш керакки, шу вақтгача мутасаддилар шахсан ўзим тавсия қилган ёш истеъодларни қайтаришмади. Ёш футболчилар ёзилган ва ёзилмаган талабларга бардош беришолмаяпти. Айниқса, молиявий жиҳатдан!

Ички тизим шундай ва уни ўзгартириб бўлмапти. «Ёш футболчида иқтидор кучли бўлиши баробарида унинг ота-онаси молиявий жиҳатдан талабларга жавоб бериши даркор» қабилидаги қараш халқимиз онгу шуурига ўрнашиб улгурди. Аламлиси, ота-оналарнинг фарзандларини футболдан совутишларига гувоҳман. Бундай вазиятларда имкониятлар чегаралангани алам устига алам туғдиради. Демокчимизки, Азамат Абдураимов жамоасидан бундан ортигини кутиш ярамайди. Чунки бу жамоа, аввало, унинг фалсафаси асосида тузилган. Аслида бутунлай янги таркибда, униқидан кучли 2-3та жамоа шакллантириш имкони мавжуд футболимизда. Шундай имконият бўла туриб, ундан фойдаланмаётганимизнинг бош айбори - ички тизим. Бу тизимни ўзгартиришга кимнинг кучи этади - билмадик...

МУЛОҲАЗА

Тўғри тушунинг, билмаслик умидсизликни англатмайди, Зеро, бундан икки-уч йил олдин репетиторларнинг аксарияти ноқонуний йўллардан фойдаланишни маъкул кўришарди. Негаки, вазият шундай эди. Ҳозир тест синови масаласида вазият тубдан ўзгарди, адолат қарор топди, мажбуран ноқонуний ишлар қилиб юрган репетиторлар минг шукрона айтиб, асл дарсга қайтишди. Виждон, инсоф туйғуси ўлмагани ҳали уларда. Нима учун футболимиз ички тизимида ҳам шундай ислоҳот ўтказиш ва ҳалоллик қаддини тиклаш мумкин эмас?! Мумкин, албатта! Тест синовидаги адолатни тиклаш жараёнида қанча-қанча фуқаролар жазога тортилишди. Футболимизда ҳам адолатли тизимни шакллантириш осон кечмайди, албатта. Жараёнда кимларнингдир мушукларига «пишт» дейилади ва бу уларга ёқмаслиги аниқ. Ҳаловати бузилганларнинг жим турмасликлари ҳам барчага аён.

Айни шу сабабга кўра, ҳозирча қанча-қанча мушукларга «пишт» дейилмади. Семириб, юнглари ялтираб кетган мушукларнинг таҳдидли миёвлаши унча-бунча жасоратли кишини-да чўчитиб юборади. Шу маънода айтсак, футболимиз мутасаддиларига осон тутмаслик керак. Айни чоғда шафқатсиз ҳақиқатни ёдга солиш ҳам мақсадга мувофиқ: «Имконсизмисиз, у ҳолда имкондиларга йўл бўшатиинг!»

Еруғ дунёда ҳамма жасоратли ва журъатли, куюнчак ва фидоий бўлиб туғилмайди. Барчада шундай туйғулар жамланиши ҳам шарт эмас. Шунчаки, мутахассис - мутасадди ўз ўрнини топса, бас! Фақат бу жараёнда адолатсизлик ҳамда йўл қўйилган хато-камчиликларни бир-бирига аралаштириб юбормаслик лозим. Ана, «Барселона» ва «Реал» мутасаддилари мураббий масаласида адашишгани тобора аён бўлиб бормоқда. Изга қайтиш наинки, Жозе Моуриньо, балки Зайниддин Зидан фаолиятида ҳам ўзини оқлама-

ди. Миржалол Қосимов тимсолида ҳам терма жамоа қайтишни ёқтирмагани.

Хўш, Андрей Канчельскис ва Вадим Абрамовда бу жараён ўзини оқлайдими? Жавоби мушкул савол бу. Фақат бир тасалли бор: ҳар икки мураббийнинг тўсатдан истеъфога чиқарилиши ўз вақтида жамоатчилик томонидан адолатсиз қарор сифатида баҳоланган. Шунинг учун келиши хато бўлган Эктор Купернинг ўрнини Вадим Абрамов эгалласа, бундан адолатнинг юзи ёришади, бироқ тула-тукис қувонмайди. Чунки Вадим Абрамов ҳам терма жамоамизни ва олимпиячиларни бошқарганида, киши билмас адолатсизликларга йўл қўйгани ва шунча йил бунинг жабрини тортиди.

Эҳ, ҳаммаси бошқача бўлишига яна ва яна ишонгиси келади одамнинг... Хўш, «Футболимизда йўлбарслар қачон уйғонади-а?»



Муҳаммад ВАЛИ

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

КУПЕР КЕТАДИ, ШЕКИЛЛИ...

Якшанба кунги ҳолат бўйича гапирсак, Ўзбекистон миллий жамоаси бош мураббийи Эктор Купер ЎФА билан компенсация масаласида келишолмаяпти. Tribuna.uz сайтининг хабар беришича, аргентиналик мутахассис муддатидан олдин истеъфога чиқишга тайёр, аммо фақат битта шарт билан - у шартномада кўзда тутилган муддат учун белгиланган маошини тўлиқ олмоқчи. Купер билан тузилган битимга мувофиқ, у яна 7 миллион евро миқдорда маош олиши керак. ЎФА эса 5 миллион беришга рози. Бироқ Купернинг шахсий агенти музокара жараёнида миқозининг маоши тўлиқ туланишини талаб қилмоқда. Олдинроқ Купер истеъфога чиқарилса, унинг ўрнига «Пахтакор» бош мураббийи Шота Арвеладзе ва «Бунёдкор» устози Вадим Абрамов асосий номзод эканликлари ҳақида хабарлар тарқалганди. Championat.asia сайтининг хабар беришича эса, Купер кеча ўз ватанига кетган. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон миллий жамоаси 10 октябрь куни Тошкентда Яман термаси билан ўйнаб, 15-санада Сингапурга боради. Хуллас, муҳим ўйинлар муддати атиги 3 ҳафта қолган паллада Эктор Купернинг ўз юртига кетганини ҳисобга олсак, ЎФА ҳамда мураббийни товон пули борасида ўзаро келишиб олиши эҳтимоли катта. Шундай экан, миллий жамоамизни навбатдаги ўйинларга бошқа мураббий бошлаб тушса, ажабмас.

Р.С.: газетани саҳифалаш вақтида Купер истеъфоси борасида аниқ хабар йўқ эди, лекин бу масала яқин орада ҳал этилиши эҳтимоли катта эканлиги таъкидланаётганди.

**ЎФА ОФКдан
МИННАТДОР**

ОФК президенти шайх Салмон бин Иброҳим ал Халифа аввалги ҳафта мамлакатимизга хизмат сафари билан келганидан хабарингиз бордир. Осиё футбол раҳбари ушбу таширфи давомида Президентимиз қабулида ҳам бўлди. Шайх Салмон жумладан, ОФК Ўзбекистон билан кенг кўламли шерикликни ривожлантиришда қатъий эканлиги ҳамда амалий ҳамкорликка қаратилган янги дастур ва лойиҳаларни бирга амалга оширишга тайёрлигини таъкидлади. ОФК ва ЎФА ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларнинг дастлабки босқичларида 4 йиллик қисқа ва 8 йиллик узок муддатли ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Бу режа босқичма-босқич тизимли ривожланишни ўз ичига олган. Хусусан, ОФКнинг U-19 тоифасидаги Осиё чемпионати мезбонлик ҳуқуқини юртимизга ишониб топширгани ўзаро ишончли муносабатлар самарасидир. УФФ шундай юксак ишонч учун Осиё футбол конфедерациясига миннатдорчилик билдирди. Шубҳасиз, ушбу йирик мусобақа ўзбек футболу нуфузининг янада ортиши, соҳа инфратузилмаси яхшилалиши ва мухлислар қизиқиши ошишига хизмат қилади. ЎФА ўз навбатида Осиё чемпионати юқори савияда ташкиллаштириш учун бор имкониятини сафарбар этади.

ОЧЛ. 1/4 финал (жавоб учрашувлари)

16 сентябрь
«АЛ-САДД» (Қатар) - «АЛ-НАСР» (С.Арабистони) - **3:1** (1:1)
Биринчи ўйин - 1:2

17 сентябрь
«УРАВА РЕДС» (Япония) - «ШАНХАЙ СИПГ» (Хитой) - **1:1** (1:0)
Биринчи ўйин - 2:2
«АЛ-ҲИЛОЛ» (С.Арабистони) - «АЛ-ИТТИҲОД» (С.Арабистони) - **3:1** (1:1)
Биринчи ўйин - 0:0

18 сентябрь
«КАШИМА АНТЕРС» (Япония) - «ГУАНЖОУ ЭВЕРГРАНД» (Хитой) - **1:1** (1:0)
Кашима. Kashima Soccer Stadium стадиони.
Ҳакам: Аҳмад Абу ал Каф (Уммон).
Голлар: Талиска (40) - Сержиньо (51).
Биринчи ўйин - 0:0

ЯРИМ ФИНАЛ

1 октябрь (сешанба)
«АЛ-САДД» (Қатар) - «АЛ-ҲИЛОЛ» (С.Арабистони)
Жавоб ўйини: 22 октябрь (сешанба)
2 октябрь (чоршанба)
«УРАВА РЕДС» (Япония) - «ГУАНЖОУ ЭВЕРГРАНД» (Хитой)
Жавоб ўйини: 23 октябрь (чоршанба)



«ПАХТАКОР» 12 КАРРА ЧЕМПИОН!

Суперлига финишига 6 тур қолган паллада чемпионлик масаласига расман нуқта қўйилди. Чунончи, «Пактакор»нинг энг яқин таъқибчиси - «Локомотив» Кўқонда навбатдаги йўқотишга учради. «Шерлар» эса Бекободда хотиржам ҳолда ўйнаб, яқунда чемпионлик байроғини ҳилпиратишди. Айтиш жоиз, шу билан «Пактакор» ҳисобидаги олтин медаллар сони 12тага етди. «Шерлар»нинг 3 йиллик танаффусдан кейин яна тахтга кўтарилишгани ҳам эътиборга молик фактдир.

1-2-КУНЛАР: «ОЛТИН» МАСАЛАСИ ҲАЛ

«Динамо» - «Андижон» баҳсида меҳмон жамоа ягона гол эвазига 3 очко олиб, Суперлигада қолиш имкониятини анча яхшилади. Александр Хомяков жамоасига ғалаба тақдим этган гол биринчи бўлим якунида ёш ҳужумчи Шаҳзод Убайдуллаев томонидан урилди. Даврон Файзиев қўл остидаги клубнинг турнир жадвалидаги ҳолати эса янада оғирлашди. Бинобарин, «Динамо» Суперлига доирасида нақ 8та ўйиндан буён лоақал 1 очко ололмапти.

ТУР ҚАҲРАМОНИ - ШАҲЗОД УБАЙДУЛЛАЕВ



«Андижон» Суперлида қолиш учун курашда олтинга тенг очколарни қўлга киритди. Александр Хомяков шогирдлари ёш ҳужумчи Шаҳзод Убайдуллаев урган ягона гол эвазига Самарқанддан хушқайфият ҳолда қайтишди. Лигада қолиш учун курашаётган икки жамоа ўртасидаги ўйин аҳамияти жуда баланд эканлиги ўз-ўзидан тушунарли. Шуни назарда тутиб, барчасини ҳал қилган гол муаллифни қаҳрамон сифатида эътироф этишни лозим кўрдик.

Сўнги ўйинларни юқори даражада ўтказётган «Кўқон-1912» бу сафар ўз майдонида «Локомотив»дан очко тортиб олди. Азиз Тўхтабоев шогирдлари 35-дақиқада ҳисобни очишди: ажойиб комбинация якунида Сухроб Бердиев кучли зарбаси билан Жавоҳир Илёсовни ожиз қолдирди. Кутилганидек, Самвел Бабаян жамоаси кейинчалик фаолликни оширди. «Темирйўлчилар» 54-дақиқада ҳисобни тенглаштиришга яқин келишди. Фақат бу вазиятда Остон Уруновнинг зарбасидан кейин тўп дарвоза устунига тегиб қайтди. Меҳмонлар бўлим ўрталарида мақсадга эришишди, барибир. Гол муаллифи - Темирхўжа Абдухолиқов. Қолган дақиқаларда ҳар икки жамоа ғалабани ўз томонига оғдиришга уринди, аммо ҳисоб бошқа ўзгармади - 1:1. Шу тариқа «Кўқон-1912»нинг 4та ўйиндан иборат ғалабали серияси узилди, лекин мағлубиятсиз юриши 5та турга чўзилди. Амалдаги чемпион мақомини топширган «Локо» эса 6та ўйиндан буён ютқазмаяпти, фақат фарқи шуки, пойтахтликлар бу орада 4 марта 1:1 ҳисоби билан чекланишди, жумладан кетма-кет 3та турда шундай натижа қайд этишди.

«Сурхон» - АГМК учрашуви тақдирини ҳам ягона гол ҳал қилди. У учрашувнинг 70-дақиқасида мезбонлар вакили Аброр Исмоилов ҳисобига ёзилди. Қаторасига 6та учрашувдан буён мағлубият нималигини билмаётган «Сурхон» турнир жадвали нуқтаи назаридан мутлақо хотиржам, АГМКга эса кучлилар сафидан тушиб кетиш хавф солмоқда. Зеро, Миржалол Қосимов жамоасига барқарорлик етишмаяпти.

«Бронза»га реал даъвогар «Сўғдиёна» ўз майдонида «Навбахор»ни енголмади, аммо мағлубиятсиз сериясини 7та ўйинга чўзди. Жиззахликлар биринчи бўлим якунида ҳисобни очиш учун яхши имконият ҳосил қилишди, аммо жамоанинг штатли пенальтичиси Никола



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4218> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4218> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4218>